

ПАХТАКОР, СУРЪАТНИ ОШИР!



ОБЛАСТИМИЗ ПАХТАКОРЛАРИ, фарғоналиклар, андижонликлар кунига 2 процент, ҳатто ундан ҳам ошириб пахта тайёрламоқдалар. Лекин областимизда эса кунлик ўсш 1 процентга ҳам етмайтир. Янгийўл, Бўка, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ бошқармаларида атиги 0,7 процент пахта тайёрланмоқда.

Ҳамма ерда пахта яхши очилди. Кунига этак-этак, бункер-бункер пахта терадиган қизгин кунлар келди. Бошқарма, колхоз ва совхоз раҳбарлари, теримчи ва механизатор ўртоқлар, ғанимат пайтлар ўтиб бормоқда. Терим суръатини кескин оширайлик. Кунига 2—2,5 процентдан „оқ олтин“ тайёрлашга эришайлик!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАХАР КОМИТЕТИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ХАМДА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 186 (2904).

Сешанба, 22 сентябрь 1964 йил.

БАҲОСИ 2 ТИЯНН.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«ХАҚИКАТИ ЎЗБЕКИСТОН» ГАЗЕТАСИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИГИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республика меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни ҳужалик ва маданий қурлиш соҳасида республика олдига турган вазифаларини бажариш учун сафарбар қилиш шунда кўрсатган хизматларини эътиборга олиб ва газета биринчи сони чиққанлигининг 40 йиллиги муносабати билан «Хақиқати Ўзбекистон» газетасини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фохрий ёрлиги билан мукофотлаш.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОВЕВ.

1964 йил 19 сентябрь. Тошкент шаҳри.

МАРД БЎЛСАНГ, МАЙДОНГА ЧИҚ

Азиз дўстлар, ҳурматли ҳамкасбларим! Ҳаммамизга маълумки, бу йил ҳар қисм туپроғи олтин билан баравар бўлган жонажон республикамиз, Ўзбекистон Коммунистик партияси қирқлашма қирқ еттига тўлади. Шодона тўй тантаналари бўлидиган улуғ айём узок эмас. Ҳозир юрагимда ўти-биланга куч бор бўлган ҳар бир киши — хоҳ у ишчи бўлсин, хоҳ у хизматчи, хоҳ у деҳқон бўлсин, хоҳ у механизатор шу тўйга катта тўналар тайёрлаш учун гайрат-шижоатини аямай меҳнат қилаётган.

Тўйни катта зафарлар билан кутиб олиш учун олиб борилган курашда биз пахтакорлар айниқса катта ўрнини эгаллашимиз зарур. Негаки, пахта — республикамизнинг ифтихори. Кимки Ўзбекистонимизнинг 3 миллион 600 минг тоннасини, областимизнинг 315 минг тонналик хирмонига муносиб ҳисса қўйса, эл-юртингиз

унинг чин юракдан ҳурмат қилади, унга тасаннолар ўқийди. Ҳозир бериёқ «оқ олтин» пайкалларига йнгим-терим кун сайин авж оляпти. Шу кунлардаги қўлай об-ҳаво шароитлари бизни кутиб ўтирмайди. Шу пайтдан бошлаб оти қамчидаб қолсақ, марра бизники бўлади. Ахир ишнинг кўзини билган пахтакорлар «сентябрнинг бир кунини — ноябрнинг ўн кунини» деб бежизга айтмаганлар-ку. Ҳақиқатан ҳам шундай. Сентябрнинг серқўш бир кунини давом эттиришни ноёб-декабрнинг серқўш ўн кунини ҳам теролаймиз. Шунинг учун ҳозирги ҳар бир дақиқанинг қадрига етайлик, фурсатларини ғанимат деб билайлик.

Азиз дўстлар! Ҳар бирингиз кўнлаб «оқ олтин» териб олиш уюсидан зиммангизга юксак социалистик мажбуриятлар олгансиз. Энди ҳамма гап ана шу мажбуриятларни сўзсиз бажаришигизда қолди. Мен

ҳам сизлар қатори жонажон дўстимизнинг шонли юбилейи шарафига нам деганда 7—8 минг килограмм «оқ олтин» теришга сўз бергаиман. Шу кунларда ўз сўзимнинг устидан чиқиб учун бирор дақиқани ҳам зое кетказмай пахта терайман. Теримга дастлаб тушган куним хирмонга 110 килограмм пахта тўқдим. Бу меъри қаноатлангирмади. Эртасига, индинига янада жадалроқ ишлашга ҳаракат қилдим. Хирмонга ҳар кунни тўқадиган пахта 130-150 килограммга етди.

Ҳурматли теримчи ўртоқлар! Сизларга чин юракдан айтадиган гапим шунки, эл-юрт олдига берган сўзимизнинг ус-

тидан чиқамиз, десак жадал ҳаракат қилайлик. Бутун кечатидан эртага, бутундан кунроқ пахта териб олишга оширайлик, сентябрнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланайлик!

Севимли элимизнинг «Мард бўлсанг, майдонга чиқ» деган нақли бор. Ҳаммамиз шунга амал қилайлик. Сизларни пахтакор чоралайлик. Қани, мен билан беллашишга келинлар!

Қуролбой БУЛҒАНБОВЕВ.
Янгийўл бошқармасидаги
Ўзбекистон ССР 30 йиллиги колхозининг кўпмиликчилик теримчиси.

315 минг тонна

ОБЛАСТИМИЗ БОШҚАРМАЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА 21 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобидан)
Биринчи устулда бошқармалар, иккинчи устулда бир кунлик ўсш, учинчи устулда — максимум бошдан бери, тўртинчи устулда — машина терими ва бешинчи устулда — дефляция.

Калинин	1,22	7,68	0,60	104,3
Бекобод	0,88	6,14	0,50	94,8
Бўка	0,77	5,36	0,47	44,5
Ўрта Чирчиқ	0,73	4,89	0,02	41,0
Янгийўл	0,77	4,75	—	44,1
Оқдўғрон	0,93	4,18	1,71	79,4
Юқори Чирчиқ	0,74	3,25	—	106,2
Область бўйича	0,83	5,04	0,61	52,0

СОВЕТ-АРАБ ДЎСТЛИГИ—АБАДИЙ

Бирлашган Араб Республикаси Бош вазир Али Сабрий ва дўст мамлакат ҳукумат делегацияси бошқа аъзоларининг Ўзбекистон меҳнаткашлари билан бўлиб ўтган учрашувлари Совет Иттифоқи ва Бирлашган Араб Республикаси халқлари қардошларча бирдиглигининг ерқин намоёнчилиги айланади.

Меҳмонлар республикамиз билан қўнғини давом эттириб, 19 сентябрда Жиззахдаги «Бинокорлик материаллари ва буюмлари комбинатида» бўлидилар.

Бирлашган Араб Республикасининг ҳукумат делегацияси 19 сентябрда тушдан кейин Самарқандга келди. Меҳмонлар Самарқанднинг бутун жаҳонга машҳур архитектура ёдгорлиқларини томоша қилдилар ва янги уй-жой массивларини бориб кўрдилар.

Араб меҳмонлар тушдан махсус поезд 20 сентябрь, эрталаб Тошкентга қайтиб келди. Улар Шрейдер номидаги боддорчилик, узумчилик ва виночилик институтига бордилар.

Ўзбекистон ҳукумати Бирлашган Араб Республикасининг ҳукумат делегацияси шарафига берилган ношушта зинафат самимий, дўстона вазиётада ўтди.

Ношушта зинафатда Бирлашган Араб Республикасининг Бош вазир Али Сабрий рафиқаси билан бирга, Бош вазир ўринбосари Абдул Мухсин Абу-Ан-нур, Бирлашган Араб Республикаси-

нинг ССРСРдаги элчиси Муҳаммад Мурод Голиб ва бошқа араб меҳмонлар хозир бўлидилар. Ношушта зинафатда КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолари билан, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг Раиси В. Г. Ломоносов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов рафиқаси билан бирга, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари В. А. Карлов, М. М. Мухомедов, Р. Н. Нишонов, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компар-

тияси Марказий Комитети Президиуми аъзолари билан, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев билан батафсил ва дўстона суҳбатлар ўтказди. ССРСР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян билан ҳам суҳбатлар ўтказди.

Зааро дўстлик ва самимийлик вазиётида ўтган шу суҳбатлар вақтида турли муҳим халқаро масалалар устида, шунингдек Совет-Ҳиндистон муносабатларини янада ривожлантириш ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш масалалари устида фикрлашиб олинди.

Ҳар иккала томон халқаро вазиётини тубдан яхшиламоқ ва тинчликни мустақамламоқ учун сира кечиртирмай актив куч ва гайрат сарфлаш зарурлигини тўла ташушган ҳолда халқаро низоли масалаларни кечиртирмай ҳал қилишга эришиш, термоядро уруши хавфини йўқотиш ва мустақам тинчлик шароитларини таъминлаш йўллари кендириш учун бутун куч ва гайратини сарфлашга ўзларининг маҳкам бел боғлаганликларини изҳор қилдилар.

Ҳар иккала томон давлатлар ўртасидаги территория низолирини тинч методлар билан ҳал қилишни лозим, деган ўзларининг қатъий фикрларини таъкидладилар.

Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон бarchа кескин халқаро масалаларини тинч бартараф қилишга ва шу асосда давлатлар ўртасидаги муносабатларини яхшилашга астойдил интилиб, иккинчи жаҳон урушининг қолдиқларини Германия проблемасини тинч бартараф қилишга эришиш орқали тутатин йўлда сарфлаётган куч ва гайратини қўлайлиги мустақам тинчлик манфаатлари йўлида айниқса зарур иш, деб ҳисоблайдилар.

Ҳар иккала томон Жанубий Африка Республикасининг ҳукумати ўтказётган ирқий камситиш сиёсатини қораладилар ва апартеид

СЪЕЗДАЛАР САРОЙИДА ҚАБУЛ

...Кремлдаги съездлар саройи яна табассумлар нурига тўлиб кетди, тинчлик вакиллари яна шу ерга тўпланишди.

А. И. Микоян, М. А. Сулов, Н. С. Хрушчев, Л. Ф. Ильичев, В. И. Поляков, Б. Н. Пономарев, А. П. Рудakov, ўртоқлар уларнинг хузурига меҳмон бўлиб келишди. Монголия Халқ Республикаси Буюк Халқ Хуралы президиумининг раиси Х. Самбу ҳам хозир бўлди.

Форумда ишчанлик, ўртоқлик, дўстлик муҳити ҳукм сурмоқда, — деди совет делегациясининг раҳбари С. Павлов қабул маросимини очуриб. Биз кўп доклавларнинг тинчлик, шў доклавларнинг ҳар бири жаҳон ёшларини бирдамлигини мустақамлаш ишига катта ҳисса бўлиб қўйилмоқда.

— Сўз Венесуэладан келган дўстимиз Герман Лайретга! — деди С. Павлов.

— Сўз Жаэор делегати Умар Шома!

— Сўз Япония делегациясининг раҳбари Сиодо Хасгавага!

— Сўз Испаниядан келган дўстимиз Элиас Гутьерресга!

— Сўз Германия Демократик Республикаси ешларининг раҳбари Хорст Шумага.

— Совет халқидан мингтадорчилик раъз сифатида Сизди, азиз Никита Сергеевич, франкочиларга қарши Испания номидан кучоқлашимга ижозат берсангиз! — деб хитоб қилади испан йнги.

Залда яна қарсақлар янграб кетади.

Делегатлардан қанси бири Совет давлати раҳбарлари билан сўзлашишни истамайди, дейиш! Мана, оқ салла ўраган новча хитоб йнги Н. С. Хрушчев ёнига келди. Бу — парламент депутаты Пуран Сингх Озодр!

— Ҳиндистон халқи ва ёшлар номидан совет халқига катта-катта ютуқлар тиламоқчиман, — дейди у. — Ҳақиқий

дўстона ёрданингиз учун Сиздан миннатдорим.

— Яхши сўзларингиз учун ташаккур, — деб жавоб берди Н. С. Хрушчев.

Ҳиндистон делегати хитоб халқининг улуғ фарзанди Жавахарлал Нерунинг сурати солинган значоқни Н. С. Хрушчевга топшириш тўғрисида ижозат сўради. Никита Сергеевич бу значоқни пилданининг қайтарма ёзишга қайиб олади.

Н. С. Хрушчевнинг Жанубий Вьетнам делегациясининг бошлиғи Нгуен Тхи Винь билан таништардилар. Еш жувор бу учрашувдан таъсирланб кетди.

— Биз, — деди у Н. С. Хрушчевга қараб, — совет халқи ҳаминша ўзимиз билан бирга эънатлигини биламиз. Совет халқи оғир курашимизни муттаасил яўллаб-куватламоқда.

— Биз Жанубий Вьетнамнинг қахрамон халқига, унинг ёшларига қойил қолмоқдамиз, — дейди Никита Сергеевич. — Сизлар галаба қиласиз, галаба сизларнинг томонингизда бўлади. Мард халқингизга, сафдорларингизга салом топшириш. Мустақамлачиларга қарши бирга курашаберамиз!

— Вива Куба! — деб хитоб қилади Н. С. Хрушчев ёш кубалик Альдо Альваресга қўйилган узатиб.

Кипр вакиллари — Криссес Деметриадес билан Микаэлес Олимпос Совет ҳукуматининг бошлиғи ёнига келдилар.

— Сиз халқимизнинг энг яхши дўстисиз, — дейди Деметриадес. — Кипр будан буён ҳам Совет Иттифоқининг маддкорлигини баҳраманд бўлишига аминимиз.

Кипрликлар Н. С. Хрушчевга иккита қадимий амфора тақддим қилишди. Шу идиллардан бирининг ясаганига тўғрларин минг йилдан ошиб кетган бўлса, иккинчисининг ясаганлигига уч минг йилча бўлган.

Испаниядаги курашётган ёшларнинг вакили, Н. С. Хрушчевга муножаат қилиб, ўз жангон дўстлари, ёш испан ватанпарварлари шайнига бир неча оғиз сўз айтишини сўради.

— Биз, — дейди Никита Сергеевич, — Испания ёшлари меҳнатини қизил байроқни баланд кўтариб келатганликларини, ишчилар синфинини иши учун курашётганликларини биламиз. Сизларнинг галаба қозонишигизга, муваффақиятга эришишигизга ишончимиз комил. Испаниянинг бирлашган демократик кучлари галаба қилади. Испания қахрамон Коммунистик иши галаба қилади. Яшасин революцион Испания! — деб хитоб қилади Никита Сергеевич.

Шудан сўнг Совет ҳукуматининг бошлиғи микрофон ёнига келиб, ёрқин нутқ сўзлайди.

Н. С. Хрушчевнинг нутқи қарсақлар билан бир неча марта бўлиб турди.

Демократик ёшлар Жаҳон федерациясининг президенти Родольф Меннин жавоб нутқи сўзлайди.

Қабул маросими тамом бўлди. Ничи ва қилар сарфитлар залдан Съездлар саройининг кенг фойдаларига киришди. Энди шу ерда музика ва кўшиқлар шунтила бошлади. Ёшларнинг катта бали бошланди.

Б. ЛУКЬЯНОВ,
Е. ФАДЕЙЧЕВ,
ТАСС мухбирлари.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

«Хақиқати Ўзбекистон» газетаси редакциясининг ходимлари, ишчи ва қишлоқ мухбирларидан, шунингдек Ўзбекистон Коммунистик Марказий Комитети бирлашган наشريети босмаҳосасининг ходимларидан 20 киши матбуотда актив

ва самарали қатнашганликлари учун ва газета биринчи сони чиққанлигининг 40 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармони билан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фохрий ёрлиги билан мукофотланди.

ОТТО ПРОТЕВОЛЬ ВАФОТ ЭТДИ

БЕРЛИН, 21 сентябрь. (ТАСС). Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг раиси Отто Протевольт бугун вафот этди.

